

Шайхзодага хос мушоҳадалилик ва теран туйғулар ифодаси

Boyxurozov Diyorbek Sherzod o'gli

(Toshkent davlat transport universiteti talabasi)

Аннотация. Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” трагедияси ана шундай қудратга эга асарлар сирасига киради. Чунки бу асар ижодкорнинг юксак билим ва маҳорати маҳсулигина бўлмай, ижодкорнинг қалб ҳароратига йўғрилган. Асар воқелигига моҳирлик билан жо қилинган интеллектуал ҳаёт таровати, қаҳрамонларнинг илиқ бир меҳр билан яратилганлиги ўқувчи руҳиятида таҳликали бўлса-да, қандайдир хузурбахш эстетик кечинмаларни юзага келтиради.

Калит сўзлар: Мирзо Улуғбек, трагедия, асар, ижодкор, юксак, билим, маҳорат, интеллектуал, эстетик, шоир.

Шундай асарлар бўладики, у қайси жанрда бўлишидан қатъий назар, ўқиш жараёнида сатрлардаги ажойиб бир тароват, чуқур тафаккур сизни сеҳрлаб, қалбингизни нурга тўлдириб, ақл ва ҳаёлот оламингизни кенгайтириб, эзгуликка ошно этади, сизга чексиз хузур бағишлайди, маънавий оламингизни кенгайтириб, сизни комиллик сари етаклайди. Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” трагедияси ана шундай қудратга эга асарлар сирасига киради. Чунки бу асар ижодкорнинг юксак билим ва маҳорати маҳсулигина бўлмай, ижодкорнинг қалб ҳароратига йўғрилган. Асар воқелигига моҳирлик билан жо қилинган интеллектуал ҳаёт таровати, қаҳрамонларнинг илиқ бир меҳр билан яратилганлиги ўқувчи руҳиятида таҳликали бўлса-да, қандайдир хузурбахш эстетик кечинмаларни юзага келтиради. Асарни ўқиш жараёнида китобхонни номаълум бир сирли олам ўзига жалб этади.

Асардаги яхшилик ва ёмонликнинг ёнмаён ҳаракатида эзгулик ғалабасига умидвор қаҳрамонларга ҳамдардлик ҳисси билан воқеаларни ички бир ҳадикда кузатар экан, ўқувчи трагедия воқеаларини бадиий идрок эта бориб, ўзи сезмаган ҳолда бевосита асар қаҳрамонлари оламига кириб, улар билан бирга яшай бошлайди, бирга қувониб, бирга изтироб чекади. Воқеалар оламида Мирзо Улуғбек билан биргаликда давр зиддиятлари ичра ўзлигини, инсоний моҳиятини топишга интилади. Улуғбекнинг бахти ва фожиасини ҳис этади. Бизнингча асар муваффақиятининг сабаби ҳам худди шунда, яъни инсоний бахт ва фожианинг ўзаро уйғунликдаги тасвиридадир. Жаҳолат ва зулмат ҳукмронлик қилган даврда илм машъалини маёқ қилиб олға интилган Улуғбекнинг фожиаси унинг инсонийлигини янада юксалтириб, ҳақиқий бахтини – мангуликка даҳлдорлигини намоён қиладики, ўқувчи бу ҳолатни англаб руҳиятида енгиллик ҳис қилади. Фируза, Али Қушчи, Ота Мурод, Саккокий сингари бир қатор ижобий образларнинг илм-фан тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлари, қалбларни тўлқинлантирувчи кучли ҳаяжон ва “туйғулар тугёни, нозик ва кескир ақлзаковат учкунлари, ўйноқилиги билан ақлни тонг қолдирувчи ҳам захарханда, ҳам аламли” тарихий ва ҳаётий воқеалар таъсирида дил тубидаги туйғулар бош кўтариб, маънавий олами нурланиб кетади. Асардаги М.Шайхзодага хос мушоҳадалилик ва теран туйғулар ифодаси, қаҳрамонлар нутқидаги аниқлик, юксак бадиият, чуқур маъно ва самимият билан йўғрилган ҳар бир сўз, мисра ўқувчини мафтун этади. Ўқувчи трагедияни мўъжиза кутиб, қалби таҳликаларда ўртаниб,

жаҳолат олами билан курашиб, юраги ажиб бир завқдан эзилиб, мавхум бир хузур-халоватга интилиб ўқир экан, унинг туйғулари бевосита қахрамонлар туйғуси билан уйғунлашиб, улар ҳаётини ўз ҳаётидек қабул қилиб, фикрлари равшанланиб, тўлқинланиб боради. Айниқса, кенг илмий тафаккур ва эзгу ниятлар соҳиби Мирзо Улуғбекнинг шарқ донишмандлиги ва ҳаёт тарзини ўзида мужжассам этган қуйидаги сўзлари орқали аллома рухий ҳолатини ўқувчи тўла ҳис этади ва буюк зот маънавиятидан баҳраманд бўлади.

Маърифатнинг шайдолиги шундай севгики,

Ўчирай деб пуфлаганда сўнмай, янада

Ёлқинланиб оловланган гулханга ўхшар.

Гўдакликдан юлдузларга бўлдим ошуфта...

Эсимдадир, бир кун устоз Қозизоданинг

Қўлларида ўпганимни кўрганда бобом,

Менга танбеҳ бериб: – Ўғлим! – деган эди у,

Эркак қўлин, Афлотун ҳам бўлса у киши,

Шахзодалар ўпмоқлиги буткул ножўя,

Дунё сенинг оёғингни турмоғи лозим!...

Оғир бўлди қисмат менга ортган вазифа.

Мен султонлар ўртасида бўлдим донишманд,

Донишмандлар тепасида султон саналдим

Чуқур лиризм ва гуманизим билан суғорилган бу монологда Улуғбекнинг кечинмалари орқали мазкур тарихий даврнинг руҳини англаган ўқувчи ушбу зиддиятларга тўла даврда ҳам ўзликни англашга бўлган интилишларини тушуниб этади, худди шу қарашларнинг таъсирида маънавият орқали эришилган хузурхаловатнинг нақадар юксаклигини туяди ва шу туйғу шарофати билан кундалик ташвишларнинг тор доирасидан чекиниб, эзулик ва нафосат оламига қадам қўяди. Шу тариқа трагедия воқеалари давомида Улуғбекка эргашиб, унинг оламига сингиб, маълум муддат ўз оламидан узилган ҳолда асар оламида яшаб, Улуғбек билан биргаликда жаҳолат ва разолатга қарши курашиб, бу курашдан қандайдир мўъжиза кутиб, ўз руҳиятида, қалбида мавхум бир таҳликаларни сезса-да, қандайдир умидбахш завққа ошно бўлганча эзулик ғалабасига умид боғлаб, асарни ички бир энтиқиш билан ўқишда давом этади. Асардаги ҳаяжонли воқеалар, бир-бирига боғланган эпизодлар ўқувчида яхлит бир эстетик туйғуни юзага келтиради. Худди ана шундай туйғулар оғушидаги ўқувчининг юраги покиза муҳаббати туфайли ғийбат ва тухматлар гирдобидида қолган соф қалбли Фирузанинг:

... Ёлғон, тухмат! Бағри тошлар уйдирган иснод.

Билинг, сизга айтганлари фитна-ю, фасод!

Тошбўрондан, сиртмоқлардан кўркмайман асти,

Ишончингиз йўқотмоғим ўлимдан баттар!..

Adabiyotlar

1. Mamurova, F., & Boyxurozov, D. (2024, December). U YILLAR O 'TGANLAR SAYXUNDAY OG 'IR...(Maqsud Shayxzoda). In INTERNATIONAL CONFERENCE ON INTERDISCIPLINARY SCIENCE (Vol. 1, No. 12, pp. 235-239).
2. Mamurova, F., & Ruzmatova, Z. (2024, October). PHILOSOPHER OF THE POET, WISDOM. In INTERNATIONAL CONFERENCE ON MODERN DEVELOPMENT OF PEDAGOGY AND LINGUISTICS (Vol. 1, No. 9, pp. 89-92).

3. Mamurova, F., & Aktamova, A. (2024, October). DEDICATION TO MAQSUD SHAYKHZODA. In INTERNATIONAL CONFERENCE ON INTERDISCIPLINARY SCIENCE (Vol. 1, No. 10, pp. 294-298).
4. Islomovna, M. F. (2024, January). MAQSUD SHAYXZODA–IKKI XALQ DILBANDI. In INTERNATIONAL CONFERENCE ON INTERDISCIPLINARY SCIENCE (Vol. 1, No. 1, pp. 263-266).

